

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**416 Қишлоқ хўжалиги тармоғи учун ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотиغا эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 майдаги ПҚ–2176-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш шарт-шароитларини ва сифатини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 майдаги ПҚ–2176-сон қарори билан Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш учун масъул базавий касб-хунар коллежлари (кейинги ўринларда базавий касб-хунар коллежлари деб аталади) рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2015 — 2017 йилларда қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш учун масъул базавий касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш Дастури тасдиқлансин, Дастурда қуйидагилар назарда тутилган:

қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш учун масъул базавий касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган комплекс тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

2015 — 2017 йилларда қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш учун масъул базавий касб-хунар коллежларини замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашнинг (тўлиқ жиҳозлашнинг) асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ.

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази:

икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатишнинг замонавий методлари ва технологияларини жорий этган ҳолда базавий касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув режалари ва дастурларини қайта кўриб чиқсин ва такомиллаштирсин;

уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги (ихтисослигидаги) касб-хунар коллежларини замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлаш нормативларини қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2015 йил мобайнида такомиллаштирилган ўқув режалари ва дастурларини жорий этган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш бўйича методик қўлланмалар ва йўриқ-номаларни ишлаб чиқиш ва нашр этишни ташкил этсин;

базавий касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётларини белгиланган тартибда ўташларини ташкил этсин, ўқувчиларнинг янги ишлаб чиқариш технологиялари, сифатли кўникмаларни ўзлаштириш ҳамда натижаларга эришишлари юзасидан доимий мониторинг олиб борсин.

4. Қуйидагилар Дастурни маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар маблағлари, республика юридик ва жисмоний шахсларининг хайрия эҳсонлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан Дастурни амалга ошириш доирасида асосий касб-хунар коллежларини жиҳозлаш учун хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш бўйича тизимли ишларни амалга оширсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

икки ой муддатда 3-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича базавий касб-хунар коллежларига ўқув-амалий машғулотларни олиб бориш мақсадида ўқув-ёрдамчи хўжалиги учун камида 20 гектар ҳосилдор сугориладиган ер участкаси ажратсинлар;

базавий касб-хунар коллежлари қишлоқ хўжалиги техникаларини таъ-

* 3-илова рус тилидаги матнда берилган.

мирлаш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш ўқув-ишлаб чиқариш устаноналарининг сақланиши ва узлуксиз фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар, уларнинг ўқув жараёнидан ташқари фойдаланилишига йўл қўймаслик чораларини назарда тутсинлар:

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг манзилли қисмига асосий касб-ҳунар коллежлари учун ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни киритсинлар;

тасдиқланган ҳар йилги манзилли дастурларга мувофиқ базавий касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлаш параметрларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Дастурнинг бажарилиши тўғрисида ахборот киритсинлар.

7. Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Бошқариш кенгашига зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган таклифлари бўйича Дастур параметрларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 11 август,
222-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 11 августдаги 222-сон қарорига
1-ИЛОВА

33 (637)-сон

— 17 —

416-модда

**Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш учун масъул базавий касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган
КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАР**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми	Масъул бажарувчилар
I. Касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш				
1.	Келгуси йил учун базавий касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) манзилли дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ҳар йили 1 сентябргача	Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқариш кенгашининг қарори	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
2.	Базавий касб-ҳунар коллежларига ўқув-амалий машғулотларни олиб бориш мақсадида ўқув-ёрдамчи хўжалиги учун камида 20 гектар ҳосилдор сугориладиган ер участкаси ажратиш.	2014 йил, сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тегишли қарорлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази
3.	Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлаш нормативларини қайта кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2014 йил, октябрь	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзстандарт» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идораларнинг қўшма қарори	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзстандарт» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
4.	Мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаларини бутловчи қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаган ҳолда улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Икки ой муддатда	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва Молия вазирлигининг қўшма қарори	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Молия вазирлиги
5.	Базавий қишлоқ хўжалиги коллежларини ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан	2015 — 2017 йиллар	Дастурни амалга ошириш учун ҳомийлар маблағлари, халқаро	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ташқи иқтисодий алоқалар,

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми	Масъул бажарувчилар
	жиҳозлаш учун хайрия эҳсонлари, халқаро молиявий институтлар грантлари ва кредитлари маблағларини жалб этишни назарда тутадиган лойиҳа таклифларни тайёрлаш.		молиявий институтлар грантлари ва кредитлари маблағларини жалб этиш бўйича тадбирлар режаси	инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар
II. Таълим стандартлари ҳамда ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш				
6.	Қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатишнинг замонавий методлари ва технологияларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда базавий касб-ҳунар коллежлари учун махсус фанлар бўйича амалдаги таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини қайта қўриб чиқиш ва такомиллаштириш.	2014 йил, ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
7.	Такомиллаштирилган ўқув режалари ва дастурларининг жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш бўйича методик қўлланмалар ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш.	Ҳар йили, 25 декабрга қадар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштириш кенгашининг қарори	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси
8.	Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг махсус фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталарининг қишлоқ хўжалиги техникаси ва замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан ўқув жараёнида фойдаланиш юзасидан малакасини ошириш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш.	Жадвалга асосан	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази буйруғи	Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази Педагог кадрлари малакасини ошириш институти, «Истеъдод» жамғармаси
9.	Оммавий ахборот воситаларида ва Интернет порталлари сайтларида, таълим муассасаларининг расмий сайтларида Дастурнинг амалга оширилиши кенг ёритиб борилишини таъминлаш.	Ҳар чоракда, жадвалга асосан	Дастурнинг амалга оширилишини ёритиш бўйича ахборот ишлари режаси	Давлат алоқа қўмитаси, ЎзА, МТРК, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази